



Корея Республикаси Президенти Ўзбекистонга келди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 16 июнь куни илк давлат ташири билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.

Киска суҳбатдан сўнг Корея Республикаси делегацияси Кўксарой қароргоҳига йўл олди. Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада кенгайтиришнинг узоқ истикболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистонга давлат таширининг асосий тadbirlari 17 июнга мўлжалланган.

Таширф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси раҳбарлари томонидан Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўладиган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЎЗА

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Бу масала Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренингда муҳокама этилди.

Тadbirdan кўзланган асосий мақсад маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаоллигини ошириш, партия ташкилотлари ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Шунингдек, семинарда маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда муносиб номзодларни танлаш, уларни мазкур жараёнга тайёрлаш масалалари атрофида таҳлил қилинди.

Семинар-тренингда халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎЗХДПдан сайланган депутатлар, партия ташкилотлари раислари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси ходимлари ҳамда ҳуқуқшунос-экспертлар иштирок этди.

Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари:

ваколат, масъулият, ишонч

2

Инха университети Ўзбекистон ва Кореянинг келажиги

Бу — Тошкентдаги Инха университети қабул комиссияси раиси Ким Жун Хонинг фикри



Инха университети Ўзбекистон ва Кореянинг келажиги. Университетнинг янада юксалиши учун ҳар икки томон ҳам бирдек ҳаракат қилиши лозим. Ана шунда ривожланиш бўлади. Яқин келажакда Инха нафақат Ўзбекистоннинг, балки Осиёнинг энг нуфузли университетларидан бирига айланади.

► Давоми 3-бетда.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



Озиқ-овқат таъминоти масалалари

ЎЗХДП депутатлари зиммасига жиддий вазифалар юклайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи, унда билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар муҳокама этилди.

2

Партия гуруҳлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонундан.

...Тadbир сўнггида

партия фаолларига мурожаат қилдим. Менга партия Дастурини беришди. У билан танишгач, партияга кириш учун ариза ёздим.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳамкорлигида ўтказилган амалий семинарда иштирок этиб, фаоллар билан суҳбатлашганимда партия ҳақидаги таассуротларим янада бойиди.

Унда жисмоний имконияти чекланган фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан партия ташкилотлари ва депутатлар ташаббускорлигини ошириш масаласи муҳокама этилди.

Очиғи, мазкур тadbirda шунга амин бўлдимки, партия ғоялари, амалга ошираётган ишлари менинг манфаатларимга, сиёсий қарашларимга мос экан.

Тadbир сўнггида партия фаолларига мурожаат қилдим. Менга партия Дастурини беришди. У билан танишгач, партияга кириш учун ариза ёздим.

Куни кеча менга партиянинг Юнусобод туман кенгаши раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова аъзолик гувоҳномасини топширди.

Мен энди мамлакатимиздаги йирик сиёсий партия аъзосиман. Шундай экан, ўзим ишонган партиянинг дастурий мақсадлари амалга ошиши учун бор куч-ғайратимни ишга солишга ҳаракат қиламан.

Ғолибжон ЭШЖОНОВ, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти мутахассиси.

«Мен келажакда сиёсатчи бўламан»

Бу — Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёш фаолларининг қатъий аҳдидир

2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Ижтимоий ҳимоя кафолатлари

янада мустаҳкам бўлиши лозим



www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Соғлом бола тарбиясида аёлнинг ўрни

ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Сардоба туманида шу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

Унда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, туғма ногиронлик ва ирсий касалликларнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот олиб бориш, имконияти чекланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

— Маҳалламиз туман марказидан олисда жойлашган, — дейди «Кўргонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тўйгул Рустамова. — 3765 нафар аҳолининг 1650 нафардан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг асосий қисми уй меҳнати билан шуғулланади. Баъзилари эса мавсумий дала ишлари билан машғул. Бугунги ўтказилган тadbirda оилавий тadbirkorлик, касаначилик, хунармандчилик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот берилди.

— Мамлакатимизда хотин-қизлар доимо эъзоз ва эътиборда, — дейди ЎЗХДП Марказий Кенгаши хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудирини Гулшан Асадова. — Хозирда улар жамиятнинг ҳар бир жабҳасида ўзларини намойён қилмоқда. Бугунги кунда партияимиз Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти томонидан «Соғлом бола — соғлом оилада камол топади» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ундан кўзланган асосий мақсад «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасидаги вазифаларни ҳамкор ташкилотлар кўмағида амалга оширишдир.

— Жамғарманинг Сардоба туман бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори Юлдуз Усмонова. — Хусусан, туғма ногиронлик, ирсий касалликларни аниқлаш ва даволашнинг хайрия ёрдами ташкил этилиб, малакали мутахассислар кўриги ўтказилмоқда. Яқинда вилоят бўйича 40 донаногиронлик аравачаси тарқатилган бўлса, шундан 3 таси Сардоба туманига берилди.

Шунингдек, давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сайдиали Аҳмедов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Роза Бегимжоллова, «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлими раҳбари Сабохат Зуннунова, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жанглиш ҲАСАНОВА, ЎЗХДП Сардоба вилоят кенгаши жамоатчилиги ва ОАВ билан ишлаш сектори мудирини.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигида Жиззах вилоятида одам савдоси ва диний экстремизмга қарши кураш мавзусида тadbир ташкил этилди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонидан танишасиз.



Зуфаржон Музаффаров ёш бўлишига қарамадан, сиёсий жараёнларга жуда қизиқади. У билан суҳбатлашганимизда, келгусида етук сиёсатчи бўлишига интилаётганини, бунинг учун зарур билимларни ўзида шакллантириб боришга ҳаракат қилаётганини гапириб берди. Яқинда у «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Бухоро шаҳар босқичида иштирок этиб, ғолиб бўлди ҳамда вилоят босқичига йўлланма олди.

— Танловда қатнашишдан мақсадим, аввало, ўз кучимни синаб кўриш, сиёсий соҳага қизиқадиган тенгдошларим билан ўзаро фикр алмашиш эди, — дейди у. — Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, ёш сиёсатчилар етишиб чиқишида мазкур танловнинг аҳамияти жуда катта бўлмоқда.

«Ёш сиёсатчи — 2014» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичида Зуфаржон сингари интилувчан, билимли 12 нафар иштирокчи беллашди. Улар барча босқичларда ўз иқтидорларини, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур ва қарашларини намоён қилиб, амалий лойиҳа ва таклифлари билан ёш сиёсатчи деган номга муносиб эканликларини исботлашди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, кўрик-танловнинг вилоят, туман ва шаҳар ҳамда бошланғич ташкилотлар босқичларида бу йил 800 нафарга яқин ёш иштирок этди.

— Утган йиллардагидан фарқли равишда жорий йилда танлов БПТларда ҳам ташкил этилди, — дейди ҲХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева. — Бу, ўз навбатида, танловга ёшларни янада кўпроқ жалб қилиш ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари, лойиҳалари билан кенроқ танишиш имконини берди. Низомда белгиланган тартиб бўйича иштирокчилар ижтимоий-сиёсий жараёнлардан яқин хабардор бўлиши билан бирга, лойиҳа тақдими, нотижли санъати каби шартлар асосида беллашишди. Бу ёшлар тимсолида нафақат Халқ демократик партиясида ёш сиёсатчилар шаклланаётганини, балки ватан тақдирига масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр баркамол авлод етишиб келаётганини кўрдик.

— Биринчи шартга кўра, иштирокчилар худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ҲХДП электоратини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ ўз лойиҳаларини тақдим этди, — дейди «Истикбол» ёшлар қаноти Бухоро вилоят бўлими етакчиси Лазиз Боймуродов. — Ёшлар маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш, қишлоқларда замонавий инфратузилмани ривожлантириш масалаларини ўз лойиҳаларида акс эттиришган.

Тўғри, бу лойиҳаларни ҳар томонлама мукамал, деб бўлмайди. Аммо ёшлар ўзи истиқомат қилаётган маҳалла, туман ҳаётидан хабардор бўлиб, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этаётгани ҳамда маҳаллий ривожлантириш ҳақида ўз нуқтаи назари, таклифига эга. Демак, уларда депутатлик, сиёсатчилик кўникмаси тобора мустаҳкам шаклланиб бораётти.

— Танловда биринчи марта иштирок этишим, — дейди Шохруз Собиров. — Шундан бўлса керак, бошида бироз ҳаяжонландим. Чунки мамлакатимиз сиёсий ҳаётида бўлаётган янгиликлардан яқин хабардор тенгдошларим билан беллашиш осон эмас. Менга танловнинг, айниқса, учинчи шартни жуда ёқди. Мазкур шартда тенгдошларим Президентимиз асарлари, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, партиялар фаолияти ҳақида яқин билим ва тушуночқа эга эканини намойиш этишди. Бу жараёнда ёш сиёсатчиларнинг ўз фикр ва қарашларини бошқаларга етказиб бера олиш маҳорати, танловга жиддий тайёргарлик кўрганликлари яққол сезилиб турди.

Билдирилган фикрлардан ҳам англаш мумкинки, танлов катта қизиқиш ва кўтаринки кайфиятда, соғлом рақобат асосида ўтди. Келажақда сиёсатчи, депутат ва партия етакчиси бўлишни орзу қилган йигит-қизлар ўзларининг бор маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди.

— Ёш сиёсатчи, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлардан чуқур хабардор бўлиши, мазкур жараёнларда фаол иштирок этиши зарур, — дейди ҲХДП Марказий Кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохруҳмиро Абдурахмонов. — Шунда у ислохотлар моҳиятини теран англайди, юрт равнақида дахлдорлик туйғуси билан яшайди. Очиғи, бухоролик ёш сиёсатчилар танлов Низомида кўзда тутилган барча шартларни аъло даражада бажаришди. Айниқса, савол-жавоб шартида улар сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимдонликларини кўпчиликнинг олдида намоён этишди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, Бухоро шаҳридан Зуфаржон Музаффаров ғолиб деб топилди, республика босқичига йўлланма кўлга киритди. Иккинчи ўринга Бухоро тумани вакили Шохруз Собиров лойиҳа деб топилган бўлса, учинчи ўринни Гиждувон туманидан Шаҳноза Мавлонова олишга муассар бўлди. Шунингдек, бошқа қатнашчилар «Энг зукко иштирокчи», «Энг билимдон иштирокчи», «Энг фаол иштирокчи», «Энг яқин нотиж», «Иқтидорли иштирокчи», «Хуқуқ билимдони» каби 9 номинация бўйича тақдирланди.

Моҳинисо ФАРМОНОВА

Озиқ-овқат таъминоти масалалари

ҲХДП депутатлари зиммасига жиддий вазифалар юклайди

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Бугунги кунда дунёда инсониятнинг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш тобора кийинлашмоқда. Натижада одамларнинг соғлиғи, болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши жиддий хавф остида қолмоқда. Ер юзиде аҳоли сони ўсгани, экологик муаммолар кўпайгани сайин табиий озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, ишлаб чиқариш муаммога айланмоқда. Мана шундай мураккаб шариоатда озиқ-овқат таъминоти, унинг хавфсизлиги ҳақида ўйлаб, ҳар томонлама пухта чоралар кўриш долзарб масаладир.

Президентимиз Ислам Каримов мазкур конференцияда бу борада мамлакатимизда муҳим ислохотлар ҳаётга таъбиқ этилаётганини, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат етиштириш соҳасини қўллаб-қувватлаш орқали юқори натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Алишер СОДИҚОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу халқаро конференциянинг юртимизда ижтимоий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги аҳамиятини юқори баҳолайди. Озиқ-овқат таъминоти, шу билан бирга, экспортини оширишга қаратилган сиёсатни ўзининг дастурий мақсадларига мос деб билади, унинг ривожланишини қўллаб-қувватлайди. Партияимиз Сайловди дастурида ҳам ички бозорни ўзинида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдириб боради муайян вазифалар ўрин олган.

Президентимиз нутқида қишлоқ хўжалигини ислох этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини ва



ирригация тизимини яхшилаш, туپроқ унумдорлигини ошириш ишларини давом эттириш ва чуқурлаштириш зарурлиги алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан келиб чиқиб, фракцияимиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари соҳани янада жадал тараққий эттиришга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириши зарур, деб ҳисоблайман. Бу, ўз навбатида, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фаровонлиқни таъминлаш билан боғлиқ қатор ижтимоий масалалар самарали ҳал этилишига хизмат қилади.

Давоми. Боьаланиши 1-бетда.

Комил ОЧИЛОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲХДП фракцияси аъзоси:

— Инсон саломатлиги, жисмоний ва ақлий ривожланиши биринчи навбатда озиқ-овқат таъминоти билан чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик йилларида юртимизда озиқ-овқат экинлари учун ер майдонларининг кенгайтирилгани, уларнинг мелiorатив ҳолати муттасил яхшиланаётгани, умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туф йиллардан бугунги ютуқларимизга омил бўлаётти.

Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва туپроқ-иқлим шариоатларининг уйғунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар фақат бизнинг мин-



тақамизда етиштирилиши мумкинлигига алоҳида ургу берилгани бежиз эмас.

Бугун мамлакатимиз 80 та давлатга 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилаётти, айрим мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб беради-

ган ўнта етакчи давлат қаторига киради.

Ҳаётимиз кундан-кун тараққий этиб, аҳоли сони ошиб бораётган экан, табиий, сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш масаласи ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди. Шундай экан, биз озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги билан боғлиқ қонунларни янада такомиллаштириш, улар ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш борасида ташаббуслар билан чиқишимиз керак.

Конференция озиқ-овқат дастурини амалга ошириш тажрибасини янада мустаҳкамлаш, янги билим ва технологиялар билан бойитиш учун имконият беради. Мазкур халқаро анжуман янги алоқаларни йўлга қўйиш, ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга замин яратди.

Аҳад АҲМЕДОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲХДП фракцияси аъзоси:

— Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида»ги ахбороти эшитилиб, атрофлича муҳожама қилинди.

Унда фракцияимиз аъзолари дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ муаммо-

лар қузатилаётган шариоатда ҳам Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, энг зарур маҳсулотларни аҳолига етказиб бериш бўйича тизимли чоралар кўрилатганини кайд этди. Шу билан бирга, соҳага оид қонунчилик ва давлат дастурларининг бажарилиши устидан парламент, жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини янада



равнақ топтиришга қаратилган лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларни жорий қилиш, нарх-наво сунъий равишда ўсиб кетишининг олдини олиш долзарб аҳамиятга эга.

Фракция йиғилишида, шунингдек, аҳолида тўғри оқиқатларни кўникмадорлигини шакллантириш, бу борада мутахассислар, ҳамкор таъкилотлар билан бирга тарбиот-тушунтириш ишларини кучайтириш, таъсирчан таъбирлар ўтказиш масалаларида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда муҳожама этилган масала юзасидан билдирилган таклифлар асосида ҲХДП фракцияси фаолиятининг муҳим йўналишлари белгилаб олинди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари: ваколат, масъулият, ишонч

ҲХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридеги Давлат бошқаруви академияси доценти, юридик фанлар номзода Азиз Йўлдошев ўз маърузасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари учун яратилган ҳуқуқий асослар ҳақида фикр юритди.

— Бугун маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг жойлардаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишдаги иштироки кучайиб бормоқда, — деди у. — Конституцияимизнинг 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддалари ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар уларнинг бу борадаги ваколатларини янада кенгайтирди. Хусусан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 141-моддаси орқали партия гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатлари янада ошди.

Шунингдек, партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашига киритилган маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари учун катта имкониятлар бермоқда. Фақатгина ушбу ваколатлардан худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида янада самарали фойдаланиш зарур.

Бунинг учун семинар даво-



риш, ўзи таянадиган қатлам вакиллари манфаатларини тўлақонли ифодалашга замин яратди.

Умуман олганда, мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари учун катта имкониятлар бермоқда. Фақатгина ушбу ваколатлардан худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида янада самарали фойдаланиш зарур.

Бунинг учун семинар даво-

мида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялари йиғилишлари муҳожамага партия дастурий мақсадлари ва электрот манфаатларини акс эттирувчи аниқ ижтимоий масалаларни киритиш, қонунлар ва ҳуқумат қарорлари ижроси устидан назорат ўрнатишда партия гуруҳлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги юзасидан мутахассислар томонидан атрофлича маълумот ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, семинарда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, ҲХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўрин-

босари Алишер Қандалатов сайлов жараёнида муносиб номзодларни танлаш ва уларни тайёрлаш масалалари хусусида сўз юритди.

— Сайлов жараёнига ҳар бир партия ташкилоти жиддий масъулият билан ёндашиш керак, — деди у. — Депутатликка номзодларни танлашда биринчи навбатда унинг партия ғоялари ва дастурий мақсадларидан тўла хабардан мутахассислар томонидан тушунишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Айниқса, номзод ҳақида у меҳнат қилаётган жамоа, маҳалладошларининг фикрини ўрганиш, ҳаёт тажрибасини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки депутат одамлар ора-

сида катта хурмат-эътиборга эга бўлиши, аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқур билиши лозим. Шунда у ўз олдида аниқ мақсад қўяди, партия ғояларини садоқат билан амалга оширишга интилади.

Шунингдек, номзодларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимига алоҳида эътибор бериш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яқин билиши долзарб аҳамият касб этади.

Семинар-тренинг якунида кўрилган барча масалалар юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари учун катта имкониятлар бермоқда.

Акрам АХМЕДОВ,
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ,
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Амударё туман бўлимидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси.

— Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини жонлантириш, унинг аъзоларини партия юқори ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олиб бораётган ишлар билан яқиндан таништириш жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида бошланғич ташкилотларга Марказий Кенгаш ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари келиши, муҳим масалаларга бағишланган талбирларни айнан бошланғич ташкилотларда ўтказиши тизимли равишда олиб бориш керак.

28 май куни бошланғич партия ташкилотимиз иши билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матяқубова яқиндан танилди. Партия аъзолари билан самимий суҳбатлашди. Депутатимиз бошланғич ташкилотимиз фаолиятини янада яхшилаш борасида бир қатор тавсиялар, маслаҳатлар берди. Партия аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Хусусан, талбирда Бандлик дастури ижроси, касб-хунар коллежалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга яратилган имтиёзлар ҳақида сўз борди. Касб-хунар коллежалари ўқувчилари амалиётини самарали ташкил этиш, бириктирилган корхоналарда яратилган шарт-шароитларни ўрганиш масалаларида бошланғич ташкилотлар ҳам фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланди.

Менинг назаримда бошланғич партия ташкилотига кўрсатилган эътибор партия аъзоларини янада фаолаштиради. Бошланғич ташкилот ҳамда унинг етакчиси атрофида жипслаштирилади. Кучли партия кучли бошланғич ташкилотдан бошланади.

Гулчебра РҲИЕВА,
НАВОЙИ ВИЛОЯТИ,
Навоий шаҳридаги ЎзХДП худудий бошланғич ташкилоти етакчиси.

— Муҳим талбирлар, семинар-тренинглари айнан бошланғич партия ташкилотларида кўпроқ ўтказилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Бу жараёнда юқоридан кўйилган эътиборни янада яхшироқ таъминлаш керак. Бошланғич партия ташкилоти етакчилари учун махсус ўқувлар ташкил этиш, сиёсатшунослар томонидан тавсиялар ишлаб чиқиш, бу борала жаҳон таърибасини ўрганиш юзасидан зарур.

Ҳар ойнинг охириги шанба кунини бошланғич партия ташкилотимизда долзарб масалаларга бағишланган сиёсий ўқув ва семинар-тренинглари ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган семинарда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик корпуси олдига турган вазифалар муҳокама этилди.

Мутахассисларнинг аҳоли тиббий маданиятини ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни турли зарарли иллатлардан асрашга бағишланган маърузалари эшитилди.

Бу борала ота-она, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш юзасидан партия фаолиятининг фикри тингланди. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, тарғибот гуруҳимиз режасига таклиф ва ўзгаришилар киритилди.

Абдусалим ҚУДРАТОВ,
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ,
Пахтачи туман «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси.

— Маҳалла фуқаролар йиғинида 30 дан ортиқ партияимиз аъзолари истиқомат қилади. Бошланғич ташкилотимиз ўз фаолиятида ҳалқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айниқса, маҳаллаошларимизни депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида оилавий талбиркорликка жалб қилишга алоҳида эътибор қаратяптимиз. Хусусан, жорий йилда худудимизда касаначилик, паррандачилик, балиқчиликни йўлга қўйиш эъзига 28 янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, бошланғич ташкилотимизда партия гуруҳи билан ҳамкорликда аҳоли муурожаатларини ўрганиш борасида катта тажриба тўпланган. Утган давр мобайнида фуқаролардан ички йўللари таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, уй-жой коммунал хўжалиги масалалари юзасидан муурожаатлар тушди.

Маъжур масалаларни ҳал этиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилди. Натияжада муурожаатлар қисқа муддатларда ўз ечимини топди. 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида ўнлаб километр ички йўллар таъмирланди, 4 маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Демак, бошланғич ташкилот қанчалик кучли, ташаббускор бўлса, юқори партия ташкилотларини, маҳаллий Кенгаш депутатларини ҳаракатга келтириши, фаолиятка ундайди. Энг муҳими, аҳолини ўйлангиратган масалалар жойида ўрганилади ва ўз вақтида бартараф қилинади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ тайёрлади.



ИНХА УНИВЕРСИТЕТИ Ўзбекистон ва Кореянинг келажаги

Бу — Тошкентдаги Инха университети қабул комиссияси раиси Ким Жун Хоннинг фикри

Президентимизнинг 2014 йил 24 март кунини имзолаган қарорига мувофиқ Тошкентда Жанубий Кореянинг Инха университети ташкил этилди. Айни пайтда олийгоҳга қабул жараёни давом этмоқда. Биз университет қабул комиссияси раиси Ким Жун Хо билан суҳбатлашдик.

— Тошкентдаги Инха университетида компьютер инжиниринг, дастурий инжиниринг ва компьютер тармоқлари инжиниринги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланади, — дейди у. — Университетга абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни имтиҳондан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Инха университетида ўрнатилган тартиб асосида амалга оширилади.

— Абитуриентлар асосан қайси йўналишга кўпроқ ҳужжат топшириятди?

— Бу йил 150 нафар талаба қабул қилини режалаштирганмиз. Уларнинг 70 нафари компьютер инжиниринги, 80 нафари дастурий инжиниринг ва компьютер тармоқлари инжиниринги йўналишларида таълим олади. Ҳозир ҳар иккала соҳага ҳам қизиқиш юқори. Ҳужжат топширган абитуриентлар сони деярли тенг.

Университетимизда таълим жараёни илгор педагогик ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Дарслар инглиз тилида олиб борилади. Университет битирувчилари Ўзбекистонда олий таълим ҳужжати сифатида тан олинган Инха университети дипломига эга бўлади.

— Инха университетининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Университет 1954 йилда ташкил этилган, ҳозирги вақтда жами 20 мингдан ортиқ талаба таълим олади. Инха университети Joong Ang Ibo наشري рейтингига кўра, муҳандислик ва ахборот технологиялари йўналишларида Жанубий Кореянинг энг яхши бешта олий ўқув

юрти қаторига киради. Талабаларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароитлар яратилган. Уларнинг турли кашфийатлар устида ишлаши ва уни амалга оширишни кўлаб-қувватлаймиз. Олий ўқув юрти олдига давлат томонидан вазибалар қўйилади. Ана шу талабаларга мувофиқ ишлашга интиламиз.


— Ахборот технологиялари бўйича Ўзбекистон салоҳиятини қандай баҳолайсиз?

— Жанубий Корея бу йўналишда нафақат Осиёда, балки жаҳонда энг ривожланган давлатлар қаторига киради. Ўзбекистон ҳам бу борда катта имкониятларга эга. Таълимнинг барча босқичларида ахборот технологиялари кириб келиши жуда муҳимдир. Ушбу масалада Ўзбекистонда улкан ишлар қилинмоқда. Бу эса янги йиллар ичида ўз самарасини беришига ишонаман.

Юртингиз вилоятларида бориб ёшлар билан суҳбатлашдим. Улар чет тилларини яхши ўзлаштиргани ва ўйлаган фикрини очик айта олиши билан эътиборимни тортиди. Тўғриси-ни айтсам, бугунги кунда корейс ёшларида чет тилини ўрганиш борасида камчиликлар кўзга ташланмоқда. Аммо ўзбек ёшлари бу борда анча олдир эканликлари кўриниб турибди. Келажақда улар халқаро стандартларга жавоб берадиган мутахассислар бўлиб етишади, деб ўйлайман.

— Инха университетининг Тошкентда кампуси очилиши икки давлат ўртасидаги алоқаларда қанчалик аҳамиятга эга?

— Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳавас қиладиган, ҳайратланарли даражада юксалиб бор-



моқда. Тошкентда Кореянинг нуфузли университети очилиши эса икки мамлакат ўртасида таълим соҳасида ҳам мустақам алоқалар йўлга қўйилганини билдиради. Лекин таълим бизнес эмас. Келажақ порлоқ бўлиши учун аввало таълим ривожланиши керак. Дайлик, бизнес алоқалари кутилган натижани беради. Уни яна қайтадан бошласа бўлади. Аммо таълим соҳасидаги ҳамкорлик қўйилган натижани бермас, уни қайта бошлаш қийин. Шу боис ҳам узок муддат, камида 50-100 йилни кўзлаган ҳолда иш олиб борсақ, албатта, ижобий натижаларга эришамиз.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Жанубий Корея Президенти Пак Кин Хэ хоним Ўзбекистонга илк давлат ташрифидан келди. Бу ташриф ҳар иккала давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада яхшироқ чиқаришига ишонаман.

Инха университети Ўзбекистон ва Кореянинг келажаги. Университетнинг янада юксалиши учун ҳар икки томон ҳам бирдек ҳаракат қилиши лозим. Ана шунда ривожланиш бўлади. Яқин келажақда Инха нафақат Ўзбекистоннинг, балки Осиёнинг энг нуфузли университети бўлишига ишонаман.

Агар ҳамма режаларимизни амалга ошира олсак Инҳадан Билл Гейтс (изоҳ: америкалик ишлаб чиқарувчи ва жамоат арбоби, ахборот технологиялари соҳасида энг етакчилардан бўлган «Microsoft» компанияси асосчиси. Bloomberg рейтингига кўра, жаҳоннинг энг бой одами)га ўхшаган мутахассислар етишиб чиқади.

— Ўзбекистон вилоятларидан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Борган жойларимда асосан иш билан банд бўлдиқ, бемалол кузатиш имкони йўқ эди. Шундай бўлса ҳам диққатга сазовор жойларни кўриш истаги кучлилик қилди.

Юртингизнинг чекка худудларида ҳам таълим тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани мени қувонтирди. Бежиз айтилмайди, таълимни ривожлантириш орқали биз келажакимизни таъминлаймиз.

Фарғона водийси иқтисодий жиҳатдан анча юксалиб бораётгани кўриниб турибди. У ердаги тарихий ёдгорликлар, маданий мерос ва қадим ўзбек анъаналари ҳамон сақланиб қолгани таъзимга лойиқ.

Самарқандга борганимизда Регистон майдонини томоша қилдик. Жуда гўзал, ҳар қандай одам ҳайратланади. Шу ерда бир таклиф билдирмоқчиман.

Тарихий шаҳарлар тарғиботида ҳам ахборот технологияларини янада кенгроқ таъбиқ қилиш керак. Турли дастурлар яратиш зарур. Бир ой олдин Тошкентда телевизор орқали Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ҳақидаги кўрсатувни кўрдим. Менда шу утча бой одами)га ўхшаган мутахассислар етишиб чиқади. Бу сайёҳлар учун жуда фойдали бўлар эди. Масалан, дастурдан фойдаланган одам Самарқанддан кейин, албатта, Бухорога ҳам боришим керак, деб ўйлаш зарур.

— Ўзбек ёшларига тилларингиз?

— Келажақ тўғрисида бугундан бош қотиринг. Эртага эмас, 10 йилдан кейин нима қилишингиз ҳақида ўйланг. Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим, деб яшанг. Шундай мутахассис бўлиб етишингки, оилангизга, давлатга, бутун инсониятга фойда келтиринг.

Ўзбекистон ёшлари буюқ алломаларнинг авлоди. Уларга муносиб бўлишингиз ягона йўли тинимсиз изланиш ва ўқиш. Жаҳон таърибасини ўрганишдир. Ўйлайманки, интилувчан ўзбек ёшлари бунини ундайлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темир АбЗАМ суҳбатлашди.

РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 17 июль кунини бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Зарафшон кўчаси, 21-уйда жойлашган, тугатилаётган ХОАТБ «АЛП ЖАМОЛ БАНК» балансидаги 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/975ZCA, бошланғич нархи 14 679 791 сўм бўлган «JINBEI», 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/976ZCA, бошланғич нархи 14 679 791 сўм бўлган «JINBEI» русумли автотранспорт воситалари, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 43-41 HE, бошланғич нархи 185 550 415 сўм бўлган «Massey Ferguson MF-8160» русумли трактор 10 тишли омовчи (пflug) билан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 50-уйда жойлашган «MARKAZIY» комбинат ДУК балансидаги:

№	Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	«ГАЗ-6602»	Рақамсиз	1973	103 238 000
2	«ГАЗ-6605»	Рақамсиз	1972	103 238 000
3	«ГАЗ-6605»	Рақамсиз	1976	103 238 000
4	«ГАЗ-63»	Рақамсиз	1968	103 238 000
5	«ГАЗ-63»	Рақамсиз	1967	103 238 000
6	«ЗИЛ-157»	Рақамсиз	1969	122 622 000
7	«ЗИЛ-131»	Рақамсиз	1971	122 622 000
8	«ЭО-2621В2»	ЕД 34-17	1988	69 648 000
9	«ЭТЦ-165»	ЕД 34-11	1989	74 845 000

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уйда жойлашган «Тошсиккувасити» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси балансидаги қуйидаги автотранспорт ҳамда техника воситалари қўйилади:

№	Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	«SL50W-III»	70-50 EM	1999	30 105 590
2	«ЭО-3323А»	70-42 EM	1996	23 720 666
3	«ЭО-3323А»	70-44EM	1997	23 825 625
4	«МАЗ-533А»	01/773EAA	1985	18 286 138
5	«К-700А»	70-29 EM	1987	18 963 402
6	«КРА3250К-1»	01/051ХВА	1988	28 766 804
7	«КРА3257М КС4561А»	01/049ХВА	1985	31 624 035

Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш қиларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закат пули «Toskent Universal Auctions Savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 хисоб-рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олдиротди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақорорий аукцион савдолар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортларга қизиқиши билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темир шох кўчаси, 16- «А» уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали).
Муурожаат учун алоқа воситалари: **телефон:** 233-02-49; **телефакс:** 233-23-40, **электрон почта:** TUAS_MCHJ@mail.ru
Гувоҳнома № 005357

KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИМИЗ

ОАТБ «Капиталбанк» ўз балансидаги «Kapsantex» унитар корхонасида инвестиция ҳисобидан модернизация ишлари якунига етказилаётган ва ташкил этилаётган корхоналарни сотиб олиш бўйича инвесторларни музокараларга таклиф қилади.

Корхона бўйича маълумот:

Манзил	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1-уй.
Умумий майдон	48,04 га
Ишлаб чиқариш майдони	7,7 га
Мавжуд инфраструктура	Сув, электр энергия, газ, темир йўл веткаси.
Ташкил этилаётган ишлаб чиқариш турлари ва лойиҳа қуввати	1. Сантехкерамика маҳсулотлари — йилга 25 минг дона. 2. Гипперпрессланган гишт — йилга 4 млн. дона. 3. Ун ишлаб чиқариш — кунига 150 тонна. 4. Кўчма механизациялашган колонна — 50 дана махсус автомобиль техникаси. 5. Мис симлари ишлаб чиқариш — йилга 5 минг тонна.
Мавжуд технологик жиҳозлар	Сантехкерамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш: «Foshan Longhao Kiln Saving Equipment Co. Ltd.» (Хитой); «Gerlach Anlagenbau GmbH», «Freys», «Tuuringia», «Tuuring Netch» (Германия); «Оргидромаш», «Читинский станкостроительный завод», «Уралгидропром» (Россия). Гипперпрессланган гишт ишлаб чиқариш: «Дипресс» (Украина). Ун ишлаб чиқариш: «Ugur Makine Sanayi Gida Insaat Taahhut Endustriyel Yapilar TRZ Tarim Dis Tig.LTD STI» (Туркия). Мис симлари ишлаб чиқариш: «Shanghai Lishang International Trading Co. Limited» (Хитой)
Қўшимча маълумот	Корхона худудида турли ил маҳсулотлар сақлаш учун омборлар мавжуд.

Муурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:

ОАТБ «Капиталбанк», Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 7.
Тел.: (+998 71) 200-15-15 (кўшимча 159, 160)
Факс: (+998 71) 232-26-07

Хизматлар лицензияланган.

ZiyoNET: Ўзбекистонда илк бор

«E-darslik» мобил дастури ишга туширилди

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Uzinfocom Маркази ҳамда Global Solutions маҳаллий дастурий таъминотлар ишлаб чиқариш компанияси ҳамкорлигида яратилган мазкур ноёб технология мактаб дарсликлари кўл телефонлари ва планшетларда ўқиш имкониятини яратди.

XXI асрда таълим тизимини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, электрон дарсликлар билан таъминлаш — дунёнинг тараққий этган давлатлари эътиборидagi энг муҳим масалалардан бирига айланган. Хусусан, 2009 йилда АКШнинг Калифорния штатидаги мактаб ва университетларда электрон дарсликлар жорий қилинди. Жанубий Кореяда бу борадаги давлат сиёсати 2008 йилдан бери амалда. Унда 2015 йилгача барча фанлар бўйича электрон дарсликларга ўтиш режалаштирилган. Мазкур мамлакатнинг қатор мактабларида ўқувчиларга махсус таълим дастури ўрнатилган мобил қурилмалар, яъни планшетлар тарқатиш йўлига қўйилган. Мазлумотларга кўра, бир жылди китобга сарфланадиган қоғоз учун ўртача 5 килограмм ёғоч талаб қилинар экан. Шу маънода, электрон дарсликларни замонавий таълимга кенг татбиқ қилиш атроф-муҳит муҳофазасида ҳам му-

ҳим аҳамиятга эга. — «E-darslik» мобил дастури яратиш ишлари 2013 йилда бошланганди, — дейди **ZiyoNET Ресурс маркази бошлиғи Толиб Мирзакулов**. — Лойиха Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси томонидан молиялаштирилди. Дастур интерфейси рус ва ўзбек тилларидан иборат. Айни пайтда «E-darslik» умумтаълим мактабларида ўқитилаётган 40 дан ортиқ дарсликларни қамраб олган. Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган амалдаги ўқув қўлланмалар мобил дастурининг матн муҳарририга киритилиб, керакли бўлим ва бандларга тақсимланган. Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида уни доимий равишда янги янги дарсликлар билан бойитиб бориш, амалдаги дарсликлар ўзгарган тақдирда уларни янгилаш механизми ҳам кўзда тутилган. Энди ўқувчилар «E-darslik» мобил дастурини ўз



телефонига ёки планшетига бепул ўрнатиб, улардан истифода фойдалана олади. Таъкидлаш жоизки, мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган дарсликлар махсус экспортлар гуруҳининг бир неча босқичдан иборат таҳлиллари, тегишли хулоса ва тавсияларидан сўнг чоп этилади. Шундан бўлса керак, мутахассислар дарсликларни дастурга киритишда уларнинг мазмунан бир хил эканига катта эътибор қаратишди. Шу

билан бирга электрон дарсликларда ўқувчилар учун қўллаб қулайликлар яратишга ҳаракат қилинган. Жумладан, дарсликларнинг қайси тил, фан ва синфга тегишли эканлигини танлаш имкониятини берувчи махсус филтрнинг мавжудлиги, калит сўзлар орқали керакли мазмунни қисқа фурсатда кидириб топиш ҳамда китобни тугаган жойдан давом эттириш учун махсус хатчўп ўрнатиш имконияти шулар жумласидан.

Бундан ташқари, ҳар бир бўлим сўнггида ўқувчиларнинг тақдим этилган материалларни қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш имконини берувчи тест синовлари киритилган. Тестларни баҳолаш эса махсус дастур ёрдамида амалга оширилади. Энг муҳими, бу жараён интернетга уланишни талаб қилмайди. — Электрон дарсликлар йўқолмайди, йиртилмайди ва эскирмайди, — дейди **Толиб Мирзакулов**. — «E-darslik»,

айниқса, абитуриентлар учун бенезир технологик ишланма. Чунки, олий ўқув юр்தларининг кириш имтиҳонларида саволлар тўлиқ амалдаги умумтаълим мактаблари дарсликлари асосида тузилади. Энди уларнинг муайян фанга оид ўқув қўлланмаларни излаш, бешинчи синфдан тўққизинчи синфгача бўлган дарсликларни кидириб юришга ҳолат йўқ. Барча фанлар бўйича дарсликлардан исталган вақтда ва исталган жойда фойдаланиш имконияти мавжуд. Кириш имтиҳонларига тайёрларлик қўраётган бўлгуси талабалар эса дастур ёрдамида доимо амалда бўлган дарсликлар билан таниша олади.

Умуман, кейинги йилларда ZiyoNET Ресурс маркази томонидан ўқувчиларга масофадан туриб таълим бериш, видеодарсликлар ҳамда шахсий фикрлар майдонини яратиш сингари ёшларнинг замонавий ахборот-технологиялари, интернет ва мобил дастурлар ёрдамида интеллектуал салоҳиятини ошириш, мустақил ўқиш-изланишига қаратилган ибратли ишлар қилинмоқда. «E-darslik» мобил дастурининг жорий этилиши марказнинг бу борадаги интилишлари янги босқичга қўтарилаётганидан далолат беради.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Равшан Эрматов жаҳон чемпионатининг энг яхши ҳаками

бу — sbnation.com сайти раҳбари Грэм МакЭрринг фикри



Швейцария ва Эквадор терма жамоалари ўртасидаги ўйинни шарҳлар экан sbnation.com сайти раҳбари Грэм МакЭри учрашувни бошқарган ҳамюртимиз Равшан Эрматов шайнига куйидаги гапларни айтди. «Ҳамма ҳакамлар ҳам Швейцариянинг драматик тарзда ғалаба қозонишига имкон бермаган бўларди. Раҳмат, Равшан Эрматов!»

«Ҳар қандай пьесанинг қаҳрамони бўлади, албатта. Сеферович урган голда Гонсалес ва Бехраминнинг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлаш зарур. Бразилиядаги жаҳон чемпионати бошлангандан бери биз бунақа юқори савиядаги ҳакамликни кўрмаган эдик. Айнан шу жиҳат Швейцарияга ўз ўйинини кўрсатиш ва ғалаба қозониш имконини берди. Охириги дақиқаларда майдон марказида Бехрамига нисбатан рақиблар кўпол ўйнади. Ўзбекистонлик Равшан Эрматов хуштагисини чапишдан олдин швейцариялик футболчиларга қаради. Бехрами ўрнидан турган эди. Бу устунлик қондасининг энг яхши намуналаридан бири бўлди. Мабоодо ҳакам шу вазиятда жарима зарбаси белгиланганда эквадорлик футболчилар ортага қайтиб ҳимояни мустаҳкамлаган бўлар эди. Катта эҳтиомлар билан ўйин дуранг билан тугарди.

Бехрами ҳаракатда давом этаётганини кўрган рефери хуштак чаламади. Швейцариялик футболчилар эса тезкор қарши ҳужум натижасида гол уриб, ғалаба қозонди. Бехрами йиқилиб жарима зарбаси ишлаши мумкин эди. Шу боис Эрматов қарор чиқаришдан олдин унинг ўйини давом эттири олиш-олмастлигини кутди. Ўзбекистонлик ҳакам ақли ва савияси бандан экани ўз таъсидини тоғди. Равшан Эрматов жаҳон чемпионатининг энг ёрқин воқеаларидан бирига гувоҳ бўлишимизни таъминлади. Мусобақанинг биринчи учрашувида ҳакамдан кўпчилик норози бўлди. Эндиликда биз Равшан Эрматов тимсолида ўйини янада гузал бўлишини таъминлайдиган ҳакамни кўрялмиз.

Тўғри, Швейцария ғалабага лойиқ эди. Бироқ тан олишимиз керак, бу ғалабага Равшан Эрматовнинг тезкор ва аниқ фикрлаши эвазига эришилди. У қандай ҳакам дейсизми? Равшан Эрматов жаҳон чемпионатининг энг яхши ҳаками!»

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ
тайёрлади.

2014 — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



Санжаар ШОТЛУТАНОВ олган сурат.

ҲАЁТДАН мамнунлик саодати

Машхураҳон бугун одатдагидек уй юмушларини бажариб, ишга отланди. Шифохонага етиб келганида хали эрта бўлишига қарамай бу ерда ҳаёт аллақачон бошланган эди.

Касбдошлари, беморлари билан сўрашиб, кабинетига кирди. Оқ халатини кийди. Кеча оғир аҳволда келтирилган боланинг палатаси томон юрди. — Хавотир олмаган, тинчлик, болақай ўзига келиб қолди, — деди навбатчи шифокор. — Яхши, — деди Машхураҳоннинг дили ёришиб. — Тунда уни ўйлаб, уйкум қочиб кетди. У палата эшигини очиб, она ва боладан аҳвол сўради. Шифокорнинг эрталабдан улардан ҳол сўраши онанинг кўнглини тоғдай кўтарди. — Яхши, — дея жавоб қилди. — Боланигиз тузалиб кетди. Хавотир олмаган. Машхураҳон еш онани юпатган бўлди. Онанинг кўзларига еш келди. Шифокор ҳамширага муолажаларни тушунтириб, кейинги палаталарга ўтди.

Барча беморларни кўриб бўлди. — Бироз дам оласизми? — сўради ҳамшира. — Йўқ, 10-палатада ётган болани барча мутахассислар иштирокида қайта текширишимиз керак. — Хонага кирган аёл гўдагининг устки кийимларини ечди. Уни текшира туриб болақайнинг уйқусида чўчиб уйғониш сабабларини онасига тушунтирди, тавсиялар берди. Шифокор кун бўйи бемор болалар дарди билан курашди. Бир маҳал соатига қараса кеч бўлиб қолибди. — Ҳа, Машхура Шомуродовна ўттиз йилки, Тошкент шаҳар 5-болалар шифохонаси асаб касалликлари бўлимини бошқариб келмоқда. У ҳаётда ҳамшира тиббиёт фанлар доктори, профессор, болалар касалликлари бўйича етук шифокор отаси Шомурод Шомансуровга ўхшаган, у киши каби инсонларга меҳ-

рибон бўлишга, беморлар учун жонини беришга ҳаракат қилди.

Бугунги кунда Машхура Исроилова бошқараётган бўлим замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган. Бемор гўдақлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бўлимдаги ходимлар жуда ширинсўз. Улар бемор болаларни нафақат дори-дармон, балки яхши муомала билан ҳам туза-тишади. Машхураҳон эндигина қўл ювиб, оқатланишга чоғланиб турганда, яна бир беморни кўришга чақирди. У чинқираб йиғларди. Унга ёрдам кўрсатилди, текшириб, ташхис қўйилди. Шифокор учун яна бир кун ортда қолди. Унинг бутун ҳаёти мана шундай ўтмоқда. У умрини болалар сийхат-саломатлигига бағишлади. Шундан бўлса керак унинг чеҳрасида ҳаётдан розилик, меҳр-муҳаббат, қувонч ва орзу доимо балқиб туради.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Государственное унитарное предприятие «Toshkent Xalqaro Aeroporti»
проводит конкурс на ремонт автокрана КС-55730
Предмет конкурса:

№	Наименование товара	Едн. изм.	К-во	Цена
1	Ремонт автокрана КС-55730 г/п 25т на шасси МА3-6303	шт.	1	Договорная

Реклама

Конкурсные условия:
Условия оплаты: 15% предоплаты, остальные 85% — немедленно после выполнения работ по ремонту. Валюта платежа — сум Узбекистана.
Условия поставки услуг: г. Ташкент.
Сроки поставки услуг: не более 10 дней с момента получения предоплаты.
К коммерческому предложению приложить копию документа, удостоверяющего по какому стандарту (ТУ) выполняется данный вид работ, или сертификат соответствия (заверенные копии).
В конкурсе могут принимать участие иностранные и отечественные фирмы и организации, имеющие право на выполнение данного вида работ.
Конкурсные предложения принимаются по адресу:
Куда: Узбекистан, 100167, г.Ташкент, аэропорт «Ташкент». **Кому:** Заместителю директора аэропорта Алимому А. М. (для ССТ).
Телефон для справок: +(99871)140-29-54, **факс:** 140-28-48. **E-mail:** sst.tas@uzairways.com
Срок приема коммерческих предложений на участие в конкурсе — до 23.06.2014 г.
Коммерческие предложения принимаются по почте, факсу, электронной почте.
Прилагаемые документы по электронной почте — сканированные.

Условия поставки: DDU — Аэропорт «Ташкент» в соответствии с «INCOTERMS-2010». **Валюта платежа** — доллар США. Максимальный срок поставки ЭТЛ — 150 дней со дня проведения предоплаты.
Срок действия предложенной цены должен быть не менее 6 месяцев.
Желающих принять участие в тендерных торгах просим направлять свою заявку на **E-mail:** estop.tas@uzairways.com или по факсу: +(99871) 140-28-50.
Заявки на тендерные торги принимаются по адресу:
Узбекистан, 100167, город Ташкент, улица Кумарьк, 13.
Комиссия по тендерным торгам, 1-й ЗДА аэропорта, телефон/факс +(99871) 140-28-50. Заявка должна быть оформлена на фирменном бланке организации, заверена подписью руководителя и печатью, иметь исходящий номер. Документация на тендерные торги высылается после получения официальной заявки, платежного поручения о внесении оплаты за предоставление документации в размере 200 (двухсот долларов) США.
Коммерческие предложения для участия в тендерных торгах будут приниматься только при наличии в конверте № 1 платежного поручения о внесении задатка за участие в тендерных торгах.
Задаток отечественных участников в тендер-

MUASSIS:
Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: **Farrux HAMROYEV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihiiddin	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 660
18391
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 01.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUFAR'ATOV,
ZANG BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5